



Ислом Нури

Иймон заиф, илм оз бўлгани сабабли мусулмонлар орасида уларнинг мусаффо ҳаётларини булғайдиган ва разил ишлар билан дину дунёларини бузадиган одамлар кўпайди. Мусулмонлар куч-қувватлари бор вақтларда бундай ишларга йўл қўймай, бузгунчиларнинг адабини берардилар.

Шундай манфур ишлардан бири сеҳр ва сеҳргарлардир.

Азиз биродар, Аллох таоло барчамизни ҳамма ёмонликлардан сакласин. Сеҳр катта гуноҳлардан бири бўлиб, уни пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам ширк билан тенглаштирганлар: «Халок килувчи етти гуноҳдан сакланинглар! У гуноҳлар – ширк, сеҳр, ...лардир».

Бошқа бир ҳадисда пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам сеҳргарлар мусулмон эмаслигини баён қилдилар: «Қуш учириб фол очган ёки очтирган, парихонлик қилган ёки парихонга борган ва сеҳргарлик қилган ёки сеҳрга борган киши мусулмон эмас».

Сеҳргарнинг сўзига ишониш қуфрдир, Аллох таоло ҳаммамизни бу балодан сакласин. Ибн Масъуд розияллоху анху айтадилар: «Қимқи сеҳргар, фолбин ёки парихонга бориб гапирган гапига ишонса, Муҳаммад саллоллоху алайхи ва салламга нозил қилинган диндан чиқади».

Сеҳргарнинг жазоси ўлимдир.

Умар ибн Хаттоб: «Учраган сеҳргарни ўлдиришлар!» – деб ҳокимларга буюрдилар. Бужола исмли киши: «Шунда уч сеҳргар аёлни ўлдирдик» – деб хикоя қилади.



Ислом Нури

Жундуб ибн Абдуллох розияллоху анху айтадилар: «Сехргарнинг жазоси катлдир».

Азиз биродар, билингки, сеҳргар, фолбин, парихонларга бориш каби гуноҳ ишлар билан шифо топаман дейиш гумрохлик ва ширкдир. Шифони фақат Аллох таоло беради. Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам Аллох таоло харом нарса билан мусулмонларга шифо бермаслигини айтганлар.

Сеҳр – Аллох барчамизни ўз паноҳида асрасин – куйидаги ишлар билан даволанади:

1. Сеҳргар афсун килганида ишлатган буюмлар топилса, ёкиб, кўмиб юборилади.

2. Куръон ва пайгамбар саллоллоху алайхи ва салламнинг дуолари билан дам солиш энг фойдали даволардан саналади. Бу дуоларга куйидагиларни мисол килиш мумкин: «Фотиха» сураси, «Оятал-курсий», икки «кул аъзузу» сураси ва ушбу дуолар:

· Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам набиралари Хасан ва Хусайнга дам солганларида куйидаги дуони айтардилар: «Уъийзукумо бикалиматиллахит-тамма мин кулли шайтонин ва хамма, ва мин кулли айнин ламма». Яъни, Аллохнинг етук калималари ҳаққи, сизни хамма шайтонлардан, захарли ҳашаротлардан ва ёмон кўздан ўзи асрасин».

· «Бисмиллахи уркийка, валлоху яшфийка мин кулли доин юъзийка». Яъни, «Аллохнинг номи билан дам солаяпман. Сенга озор етказаётган дардларга Аллох ўзи шифо бергай»

· «Асъалуллохал-азийм, роббал-аршил карим ан яшфияк» яъни, «арш



Ислом Нури

эгаси буюк Аллохдан сенга шифо беришини сўрайман». Бу дуо етти бор айтилади.

· «Азхибил-баъс, роббаннас, ишфи анташ-шофий, ла шифаа илла шифоука, шифаан ла югодиру сакоман». Яъни, «Эй парвардигор, кулфатни кеткизгин. Хеч дард колдирмайдиган шифо бер, факат сенгина шифо берасан. Сенинг шифойингдан бошка шифо йўқдир».

3. Эрталаб ва кечкурун айтиладиган зикрларни доим айтиш Аллохнинг изни иродаси билан, хамма балолардан сакловчи сабабларнинг энг афзалидир. Бу зикрлар куръон оятлари ва пайгамбар саллоллоху алайхи ва салламнинг дуоларидан бўлиши лозим.

4. Сехр ва бошка мусибатлардан сакланишнинг энг яхши йўли Аллохнинг буйруklarини бажариш, кайтарикларидан кайтишдир. Кўп одамлар бепарво бўлиб, Аллохнинг буйруklarини бажаришга ахамият бермайдилар ва Аллох харом килган нарсалардан тийилмайдилар. Сўнг бирор дардга чалинганларида, Аллохни эслаб колишади. Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам Ибн Аббосга килган насихатларида айтадиларки: «Фаровонлик – бойлик, соглик, бошга мусибат тушмаган вақтларда Аллохга ўзингни танитгин, кийинчилик вақтида у хам сени танийди».

Демак, ким соглик, куч-куватни бор вақтида Аллохга якин бўлса, касал бўлган ва кучдан колган чогида Аллох унга якин бўлади.

– Имом Бухорий 5/94 ва имом Муслим 89- хадис Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят килишган.



- Завоидул-Баззор 169- бет.
- Ат-Таргиб ват-тархиб 3/53 ва Мажмаъуз-завоид 5/118 бетга каранг.
- Имом Ахмад ибн Ханбал 1/190 Бужола ибн Абдадан ривоят килган.
- Имом Молик Муваттаъ 2/871 ва Термизий 1460- хадисларда ривоят килишган.
- Бухорий 10/221 ва Муслим 2189- хадисда ривоят килишган.
- Аллохнинг барча каломи айбу нуксондан холи, мукаммал бўлганлиги, панох тиловчига Аллохнинг изни билан фойда бериб, балою-офатлардан сакловчи экани боис пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам шундай деганлар.
- Муслим ривояти 2186-хадис.
- Абу Довуд 3106-хадис ва Тирмизий 2084- хадисларда ривоят килишган.
- Бухорий 10/176 ва Муслим 2191- хадисларда ривоят килишган.